

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАЙМАНОВ ҲАБИБУЛЛО АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ИНСОН ХАРАКТЕРИГА ХОС СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ  
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Байманов Ҳабибулло Абдуллаевич**

Инсон характериға хос сифат лексемаларнинг функционал-семантик хусусиятлари (немис ва ўзбек тиллари мисолида).....3

**Байманов Ҳабибулло Абдуллаевич**

Функционально-семантические особенности лексем прилагательных, выражающих характер человека (на примере немецкого и узбекского языков).....23

**Baymanov Khabibulla Abdullayevich**

Functional semantic features of adjective lexemes concerned with human character (on examples of German and Uzbek languages)... ..46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....49

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАЙМАНОВ ҲАБИБУЛЛО АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ИНСОН ХАРАКТЕРИГА ХОС СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ  
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ  
(НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Fil.574 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ахмедов Ойбек Сапарбоевич**  
филология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Дадабоев Ҳамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Исмоилов Юсуф Ниязметович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

**А. Қуронбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида белги билдирувчи лексемаларнинг тизимли аспектда чоғиштириб ўрганиш таркиби ривождаги манба – тилнинг ўз ички қонуниятлари, имкониятлари асосида янги мулоқот жараёнидаги комплимент концептининг тил тизими доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятини очилишини ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур ҳолат маълум эҳтиёж, зарурият туфайли амалга ошади. Шу сабабли янги сўз ҳосил қилишнинг ҳар бир жабҳаси тил тизимининг мураккаб хусусиятларидан саналади.

Дунё тилшунослигида лисоний ҳодисаларнинг нутқий мулоқот шароитида бевосита ва билвосита танлаб олинишини таъминловчи асосий омилларни қиёсий-чоғиштира ёндашув асосида тизимли равишда тадқиқ қилиш амалиёти кенг ўрин эгалламоқда. Қиёсий-чоғиштира тилшуносликнинг асосий ўрганиш объекти бўлган мазкур тадқиқотда немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг тавсифланиши, ясалиши, инвентари, лексик-семантик таснифлари, бошқа сўзлар билан боғланишда семантик-синтактик потенциали (валентлиги), номинатив сўз бирикмалари таркибидаги функциялари, мулоқот жараёнидаги прагматик хусусиятлари, маданиятлараро мулоқот (коплимент концепти)да ва дискурсда қўлланилиш хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати кучаймоқда.

Ислоҳотларнинг ҳозирги даврида илм-фаннинг барча соҳалари қаторида ўзбек тилшунослигида ҳам туб ўзгаришларға замин яратилмоқда. Республикада ривожланиш тамойилларига асосланган «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётға жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш<sup>1</sup>»ға катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон тилшунослигида, хусусан, қиёсий-чоғиштира тилшунослик, лингвистик таржимашунослик соҳалари бўйича бир неча тадқиқот ишлари олиб борилишиға қарамасдан, филологик билимнинг ушбу соҳасида ҳал қилинмаган муаммолар етарли. Тил инсон ва борлиқ ўртасидаги кўприк, инсон оламни идрок этишидаги энг муҳим восита сифатида характерланади. Инсоннинг ўзлигини англаши, унда миллий ғурур, ифтихор каби олий туйғуларнинг қарор топишида тилнинг ўрни ниҳоятда беқиёс. Зеро, тилшунослик соҳаси мутахассисларини тайёрлашда соҳаға оид немис ва ўзбек тилларида сифат лексемаларнинг қиёсий-чоғиштира тизимини илмий асосда чуқур тадқиқ қилингани, ўзбек ва хорижий тилларда умумий, хусусий жиҳатларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб бориш кўлами ҳамда самарадорлик кўрсаткичини янада ошишиға кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон Фармони / Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, №28.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги 6 ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3375-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу тадқиқот объекти тарзида танланган мавзу чоғиштирма тилшунослиқда махсус ўрганилмаган. Лекин мавзунинг таркибий қисмлари атрофлича таҳлил ва тавсиф этилган. Жумладан, ўзбек тилидаги сифат лексемаларнинг функционал-семантик майдонлари ва тематик бўлинишлари, лексик-семантик структураси ва бошқа хусусиятлари М. Содиқов<sup>2</sup>, М. Миртожиев, Ш. Раҳматуллаев, Ғ. Абдурахмонов, Р. Юнусов, Р. Қўнғуров, А. Ҳаметова, И. Ҳамдамовалар томонидан ўрганилган бўлса, М. Содиқова, Ғ. Абдурахмонов, Р. Юнусов, И. Ҳамдамова сифатларнинг семантик таҳлиliga қаратилган номзодлик диссертацияларини ёзганлар. Ҳ. Тожиматовнинг номзодлик диссертацияси сифатларнинг маълум архисема асосида семантик майдонларга бўлиниши, интеграл сема асосида гуруҳланиши ва дифференциал семаларини белгилаш, уларнинг ушбу хусусиятларини иллюстратив мисоллар асосида ёритишга бағишланган.

“Қутаду билиг”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика Ф. Абдужабборова томонидан махсус тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Содиқова М. Ўзбек тилида ранг тус билдирувчи сўзлар. -Тошкент, 1963. Шу муаллиф: Ҳозирги ўзбек тилида сифат. -Тошкент: Фан, 1974. Миртожиев М. Ҳозирги ўзбек тили. -Тошкент: Ўқитувчи. 1992. – 168 б. Раҳматуллаев Ш., Абдурахмонов И. Ўзбек тилидаги кўлам сифатлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1972. №3. Абдурахмонов Ғ. Субстантивированные прилагательные в узбекском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Самарканд, 1950. -25с. Абдурахмонов Ғ. Ҳозирги ўзбек тилида сифатларнинг отлашиши. Фил. фан. номз. дисс. -Тошкент: 1955., Юнусов Р. Полсемия и синонимия имён существительных места в современном узбекском литературном языке: Автореф. дисс.... канд. филол. наук. -Ташкент: 1974. -24 с. Қўнғуров Р. Сифат стилистикаси // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. -Самарканд: СамДУ, 1982. Шу муаллиф. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. -Тошкент: Фан 1976. Ҳаметова А. Туркий тилларда сифатнинг орттирма ва кучайтирма даражалари. -Тошкент: Фан, 1969. Ҳамдамова И. Ўзбек тилидаги сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изоҳли луғатида берилиши: Филол. фан. ном. дисс.... автореф. -Тошкент: 1964. – 26 б. Тожиматов Ҳ. Сифат семемасининг реаллашувида контекст. Филол. фан. ном. дисс. -Тошкент, 2008.

<sup>3</sup> Абдужабборова Ф. “Қутаду билиг”даги шахс белги-хусусиятини англатувчи лексика. Филол. фан. ном. дисс. автореф.-Тошкент, 2011.

Немис тилшунослигида Х. Амманн<sup>4</sup> сифатларнинг шаклланиши ва вазифалари, Ф. Берц баъзи сифатларнинг структураси, В. Божич сифатларнинг ясалиши ва қўшма сифатлар хусусияти, Й. Ербен, Р. Сзобо, К. Бауманн каби тадқиқотчилар сифатларнинг ясалиши, В. Флеминг сифатларнинг грамматик хусусияти, Л. Гётце ва яна бир қанча олимлар сифатларнинг валентлиги, П. Шўйблин сифатларнинг синтактик вазифалари, З. Гроссе сифатларнинг реклама матнларидаги ўрни, П. Айзенберг сифатларнинг бирикма ҳосил қилишига эътиборни қаратган.

Й. Илук сифатларнинг даражаланишини тадқиқ қилган<sup>5</sup>.

Немис ва турк тилларидаги сифатларни Л. Йохансен, Р. Йохен ва Б. Шлуйкер сингари лингвистлар чоғиштиришган<sup>6</sup>.

С. Пак немис, венгер ва корейс тилларидаги сифатларни чоғиштирма методда ўрганган<sup>7</sup>.

М. Кузнецов ва Э. Севортян турк, В. Костенко татар, И. Кузнецова, Л. Сергеева, Е. Скрибник, П. Сулименко рус тилидаги сифатларни, Т. Маркелова, О. Новоселова, Л. Петрова, М. Пименова, Г. Стратонова инсонга баҳо беришда сифатларнинг маънолари масаласини таҳлилга тортишган. Р. Меной, В. Убийко рус тилидаги инсон характериға хос сифатларни, М. Қўшпаева инглиз тилидаги аниқловчининг функционал-семантик хусусиятларини, Т. Метелкина эса инглиз тилидаги инсон ахлоқиға хос сифатларни тадқиқ қилган.

Немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг функционал-семантик, прагматик хусусиятлари, чоғиштириш масаласи ушбу ишда илк бор махсус тадқиқ олиб борилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети “Таржима назарияси ва амалиёти. Тиллар типологияси” мавзуидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** немис ва ўзбек тилларида инсон характериға хос сифат лексемаларни тизимли аспектда чоғиштириб ўрганиш, айти тил

---

<sup>4</sup> Ammann, H. „Adjektiv und Eigenschaftswort“, in Hugo Moser (Hg.): Das Ringen um eine neue deutsche Grammatik.-Darmstadt, 1962; F. Berz. Der Kompositionstypus “Steinreich”.-Bern, 1953., Bojic, Verba: Die Wortbildung des Adjektivs in der deutschen Gegenwartssprache mit besonderer Berücksichtigung der Übergangszone zwischen Derivation und Komposition, Diss.-Budapest, 1990., Erben, Johannes: Einführung in die deutsche Wortbildungslehre, 3. Auflage,-Berlin 1975., Szobo, Rita Brdar: Die Wortbildung des Adjektivs in der deutschen Gegenwartssprache mit besonderer Berücksichtigung der Übergangszone zwischen Derivation und Komposition,-Budapest 1990., Baumann, Carolin; Dabóczy, Viktória ; Hartlmaier, Sarah Adjektive: Grammatik, Pragmatik,-Berlin, Boston, 2018. S. 201-219., Flämig, Walter: Grammatische Merkmale des Adjektivs. -Berlin, 1971., Götze, L., 1999: Deutsche Sprache gestern und heute.-München. S.211-217., Schäublin P.: Probleme des adominalen Attributs in der deutschen Sprache der Gegenwart. Morposyntaktische und semantische Untersuchungen, -Berlin, New York 1972., Grosse, Siegfried: „Zum Gebrauch des gesteigerten Adjektivs in Werbetexten“, in: Die Ware in Wirtschaft und Technik. Festschrift für Kutzelnigg A., Herne.-Berlin, 1969., Eisenberg, Peter: Grundriss der deutschen Grammatik. Band 1: Das Wort. 4. Aufl. 2013.

<sup>5</sup> Iluk, Johan.: „Sind privative Adjektive graduierbar? Einige Beobachtungen und deren syntaktische Konsequenzen“, in: Deutsche Sprache 15. - Stuttgart, 1987. – S. 404.

<sup>6</sup>Johanson, Lars und Jochen Rehbein: Türkisch und Deutsch im Vergleich, Wiesbaden 1999.

<sup>7</sup>Pak, Soo-Joung: Vergleichende Analyse der Satzgliedstellung im Deutschen, Ungarischen und Koreanischen, Bd. 24., Diss... -Wiesbaden: 1987.- S. 358.

воситаларининг функционал-семантик хосликлари, инвентари, бадий, публицистик адабиётлар ва ижтимоий-сиёсий контекст (дискурс)даги турли қурилмаларда бошқа сўзлар билан боғланиш потенциали, хусусиятларини аниқлаш ва таснифлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларни чоғиштириш, функционал-семантик хусусиятларини изоҳлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг валентлик хусусиятларини тадқиқ этиш;

таҳлил қилинган тил воситаларини маъно жиҳатдан таснифлаш, лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)ларга ажратиш;

комплимент концептининг лисоний таркибида инсон характериға хос сифат лексемаларнинг немис ва ўзбек тилларида қўлланишини ўрганиш ва функционал хусусиятларини белгилаш;

немис ва ўзбек тиллари дискурсида инсон характериға хос сифат лексемаларнинг қўлланилиш даражасини, прагматик хусусиятларини таҳлилға тортиш;

**Тадқиқотнинг объекти** немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** немис ва ўзбек тиллари мисолида инсон характериға хос сифат лексемаларни чоғиштириш, уларнинг маданиятлараро мулоқотда тутган ўрни, функционал-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотға манба сифатида немис ва ўзбек ёзувчиларининг асарлари, ижтимоий-сиёсий соҳага оид газета ва журналлар, изоҳли луғатлар ва интернет материалларидан олинган инсон характериға хос сифат лексемалар ташкил қилган

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, чоғиштирма (қиёсий-типологик), компонент таҳлил, лингвостатистик ва семантик-услубий таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

лексик-семантик воситаларнинг немис ва ўзбек тили мулоқот жараёни ва бадий асарларидаги функционал-семантик, прагматик хусусиятлари асоси ижобий, салбий ҳамда нейтрал инсон характериға хос сифат лексемаларнинг контраст экспрессив-эмоция ифодалашдаги ўрни исботланган;

чоғиштирилаётган ҳар икки тиллардаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг *der/die/das* аниқ, *ein/eine/ein* ноаниқ артиклар, *mein/dein/sein/ihr/unser/euer/ihr/Ihr* эгалик олмошлар, келишиклар билан турланиши, даражаланишидаги интенсиви, лексик-грамматик ўхшаш ва фарқли томонлари далилланган;

немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг бошқа сўзлар билан боғланишидаги валентлик хоссалари очилган ҳамда инсоннинг руҳий-ҳиссёти, ички кечинмаларини ифодаловчи лексик-семантик гуруҳларга ажратилган;

ҳар икки тилларга мансуб инсон характериға хос сифат лексемаларнинг



мулоқот жараёнидаги комплимент концептининг тил тизими доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив хусусиятлари далилланган;

нутқий фаолиятда инсон характерига хос сифатларнинг фаоллиги ҳамда ҳар икки тиллардаги ижтимоий-сиёсий манбаларда инсоннинг ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий белгилари ўнта лексик-семантик гуруҳларга ажратилган ва воқеланиши статистик маълумотлар асосида исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** Инсон характерига хос сифат лексемалар нафақат тилнинг ички механизми, балки олам лисоний манзарасининг реаллашуви, борлиқ ҳодисалари, инсон характерининг лисоний таснифини бериш жараёни, яъни тил воситалари тизимининг юза сатҳларида ҳам шаклланади. Немис тилидан ўзбек тилига таржима амалиёти муаммоларини ёритишда, немис ва ўзбек тилларидаги инсон характерига хос сифат лексемаларнинг луғатидан, шунингдек олий ўқув юртларида тилларни чоғиштириб қиёсий тилшунослик соҳаларига оид махсус семинарларни ташкил қилиш амалиётига татбиқ қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган илмий натижаларнинг аниқлиги ва ишончлилиги, ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, фактик-аналитик тил материаллари ҳажмининг нуфузлилиги, эришилган янги хулосаларни диссертациянинг назарий жиҳатига мувофиқлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, тегишли ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган полиграфик ва электрон нашр материалларидан олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти немис ва ўзбек тили мулоқоти жараёни ва бадиий адабиётларда фаол қўлланиладиган инсон характерига хос сифат лексемаларнинг экспрессив ва эмоционал бўёқдорликни таъминловчи функционал-семантик, прагматик, когнитив ҳамда дискурс воситаларини аниқлаш, ҳар икки тилларда инсон характерига хос сифатларнинг функционал-семантик хусусиятларини қиёсий таҳлил этиш орқали уларни таржимада қайта яратиш йўллари тадқиқ қилишда илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий ўқув юртлари хорижий филология факультетларида маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий рисоалар, икки тилли луғатлар яратиш, дарсликлар шунингдек, “Ўзбек ва немис тилларининг чоғиштира типологияси”, “Контрастив лингвистика”, “Чоғиштира грамматика”, “Когнитив лингвистика”, “Лингвомаданиятшунослик”, “Лексикология”, “Стилистика”, “Матн лингвистикаси”, “Таржима назарияси ва амалиёти” каби фанларга оид маърузалар учун зарур манба хизматини ўтайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Немис ва ўзбек тилларидаги инсон характерига хос сифат лексемаларнинг функционал-семантик, прагматик ва когнитив хусусиятларини тадқиқ этиш асосида:

маданиятлараро мулоқот (комплимент концепти) ва дискурда

қўлланилишига оид тадқиқи бўйича олинган натижалардан А-1-37 рақамли “Инсон капиталини ривожлантиришда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни ва ролининг ижтимоий-педагогик жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-516-сон маълумотномаси). Натижада ҳар икки тиллардаги инсон характериға хос сифат лексемалар таҳлили янгича ёндашувга туртки бериб, тилни ўрганувчиларға маданиятлараро мулоқот жараёнидаги комплимент концепти ва мулоқот қилишнинг ўзига хос хусусиятини янада бойитиш учун хизмат қилган;

немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос сифат лексемаларнинг бошқа сўзлар билан боғланишда функционал-семантик, мулоқот жараёнидаги прагматик, коммуникатив-когнитив хусусиятлари, маданиятлараро мулоқот (комплимент концепти) ва дискурсини қайта яратиш мақсадида ушбу воситаларни инобатға олиш зарурати, таҳлил ва таржима йўллари билан боғлиқ натижаларидан “5120113-Филология ва тилларни ўқитиш (немис тили)”, “5120202-Таржима назарияси ва амалиёти (немис тили)” бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда “5А120102-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик” магистратура мутахассисларининг малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-516 сонли маълумотномаси). Натижада “Қиёсий тилшунослик”, “Қиёсий таржимашунослик”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Лингвистик таҳлил методлари”, “Лингвомаданиятшунослик” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга асос бўлган;

ҳар икки тилға хос инсон характериға хос сифат лексемалар туркумига оид тузилган “Немис ва ўзбек тилларида ижобий, салбий ва нейтрал сифат лексемалар луғати” ҳамда комплимент концептининг лисоний таркибидаги миллий ўзига хослик даражасини инобатға олиш зарурати, таҳлил ва таржима йўллари билан боғлиқ натижаларидан РУР Бохум ҳамда Москва давлат иқтисодиёт статистикаси ва ахбороти университетларида “Қиёсий тилшунослик” ва “Лингвистик таржимашунослик” бакалаврият ва магистратура таълим йўналишлари (Prof. Dr. Karin Pittner/Ruhr-Universität Bochum/44780 Bochum/Germany маълумотномаси), (ф.ф.д. проф. С.А. Ильич/МЭСИ маълумотномаси). Диссертацияда тадқиқ этилган инсон характериға хос сифат лексемаларнинг функционал-семантикаси, комплимент концептининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда салбий, ижобий ва нейтрал сифат лексемаларға хос тузилган луғатдан “Қиёсий тилшунослик”, “Қиёсий таржимашунослик”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Лингвомаданиятшунослик” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга манба бўлиб хизмат қилган;

ижтимоий-сиёсий дискурсининг материали сифатида оммавий ахборот воситаларини ҳосил қилувчи энг асосий усуллардан бири эканлиги билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК “Кўнгилочар ва мусиқий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Тиғиз пайт” радио эшиттиришининг

туркум сонларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбекистон” телерадиоканали давлат унитар корхонаси 2018 йил 16 августдаги О’з/к-1142-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий-сиёсий дискурсининг сиёсий воқеалар шарҳи, сиёсий интервью, сиёсий мавзудаги долзарб хабарлар, сиёсий мақола турларида ҳам ўз ифодасини топган ҳамда кўрсатув ва эшиттирув мундарижасини бойитган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур тадқиқот натижалари 29 та: шу жумладан, 1 та хорижий журналда, 7 та ОАК рўйхатидаги илмий журналларида ва қолгани халқаро республика илмий-амалий конференцияларининг тўпламларида чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, илова ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сифат туркумини чоғиштира тадқиқ қилиш тарихидан”** деб номланган биринчи бобида тилшунослик чунончи, туркийшуносликда сифат сўз туркумига оид сўзларнинг ўрганилиш тарихи, сифатларнинг белги хусусиятлари, уларнинг турли ташбеҳлар ва бадиий асарларда белги билдирувчи сўзлар тасвирловчи восита сифатида эътироф этилиши тадқиқ қилинган.

Немис тилида сифат лексик-грамматик хусусиятларига кўра мустақил сўз туркуми сифатида муҳим аҳамият касб этади. Сифат лексемаларни ёритишда функционал-семантик хусусиятлар сўнги йилларда долзарблашмоқда.

Сифатларни турли аспектларда таснифлаш муаммолари ҳамон долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

I. Сифатларни семантик аспектда қуйидаги турларга ажратиш мумкин (Р.Раҳиди<sup>8</sup> таснифлари): Абсолют (аслий) сифатлар: *tot, rot*; nisбий сифатлар: *groß, klein*; ўлчам-ҳажм кўрсатувчи сифатлар (М.Биервиш<sup>9</sup> таснифи): норестриктив (ўлчам-ҳажмнинг чегарасизлигини кўрсатувчи): *scheinbar, heutig*;

<sup>8</sup> Rachidi, Renate. Gegensatzrelationen im Bereich deutscher Adjektive.-Tübingen, 1989.

<sup>9</sup>Bierwisch, Manfred / Lang, Ewald (Hgg.): Grammatische und konzeptuelle Aspekte von Dimensionsadjektiven.-Berlin (Studia Grammatica 26/27). 1997.

Абсолют рестриктив: *der verheiratete Mann*; нисбатан транспарант рестриктив: *klein*; нотранспарант рестриктив: *schlecht*.

II. Лисоний-фалсафий (мантикий-когнитив) тасниф: экстенсив-денотатив сифатлар: *rot, glatt*; интензив-аниқловчи сифатлар: *gut, schlecht*;

III. Семантик-синтактик жиҳатдан сифатлар куйидаги турларга ажратиб таснифланган. Жумладан, статив (*sein*) феъли билан боғланувчи сифатлар: *Sie ist klug*; ҳаракатни сифатловчилар (*werden*) феъли билан боғланувчи. *Wir werden fleißig*; статив-процессуал (статив ҳамда ҳаракат номини сифатловчи) сифатлар: *Er ist gut / Er wird gut*; соф статив сифатлар: *Er ist tot // Er wird tot*; соф процедурал сифатлар: *Er wird einer Sache gewahr // Er ist einer Sache gewahr*; валентлик<sup>10</sup> хоссасига кўра:

IV. Сифатларнинг гапдаги вазифасига кўра соф синтактик таснифи. (Дуден-грамматикасида берилган тасниф)<sup>11</sup>: аниқловчи вазифасида: *Die gute Sache ...*; равиш ҳоли (предикатив) вазифасида: *Das ist gut*; ҳол вазифасида: *Sie arbeitet gut*; эга вазифасида: *das Gute, Schöne und Edle*; синтактик вазифаси ва кўлланилишига кўра. Аниқловчи вазифасида: юқоридаги мисолга қаранг; аппозитив: *Sein Geschmack auserlesen hinderte ihn an einer schnellen Entscheidung*; адюнктив: ҳол вазифасида; предикатив (равиш ҳоли) вазифасида, юқоридаги мисолга қаранг; ўзгарувчан сифат-аниқловчи (*adjektivmodifizierend*): *ein gut mögliches Szenario / Das ist gut möglich*.

V. Синтактик, морфологик ва морфосинтактик аспектлардаги тасниф:

5.1. Г. Хельбиг ва В. Шенкел<sup>12</sup> таснифи;

Немис тилидаги сифатларнинг турланишини таърифлаш ҳам ҳамон муаммоли бўлиб қолмоқда.

VI. Сифатларнинг турланиши:

6.1. П. Айзенберг назарияси асосида сифатлар аниқловчи вазифасида кўлланилганда уч хилда турланади<sup>13</sup>;

Немис олимларининг<sup>14</sup> сифатларнинг кучли, кучсиз ҳамда аралаш турланиш борасидаги фикрлари орасида муштараклик мавжуд эмас.

Сифатлар турланиш жиҳатдан асосан учта: кучли турланиш, кучсиз турланиш ва сифатларнинг ноаниқ ва эгалик олмошлари билан турланиши (аралаш турланиш) кабиларни ўз ичига олади. Сифатларнинг турланиш типларини юқорида келтирилган жадвал асосида кузатиш мумкин.

---

<sup>10</sup>Götze, Lutz: Valenzstruktur Verben und Adjektive,-München 1978. S. 134.

<sup>11</sup> Duden Band 4. Die Grammatik Herausgegeben vom Wissenschaftlichen Rat der Dudenredaktion: Dr. Matthias Wermke, Dr. Kathrin Kunkel – Razum, Dr. Werner Scholze-Stubenrecht. Dudenverlag Mannheim-Leipzig.Wien-Zürich, 2005. – S. 129.

<sup>12</sup> Helbig G. Schenkel W. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutscher Verben. Max Niemeyer. -Tübingen, 1991. –S. 206.

<sup>13</sup> Eisenberg, Peter: Grundriss der deutschen Grammatik. Band 1: Das Wort. -Stuttgart 4. Aufl. 2013. – S.71.

<sup>14</sup> Ammann, H.: Adjektiv und Eigenschaftswort, in Hugo Moser (Hg.): Das Ringen um eine neue deutsche Grammatik. – Darmstadt, 1962. – S. 398, Bierwisch, Manfred / Lang, Ewald, Bojic Verba юқорида кўрсатилган асар:, Duden Band 4. Die Grammatik Herausgegeben vom Wissenschaftlichen Rat der Dudenredaktion: Dr. Matthias Wermke, Dr. Kathrin Kunkel – Razum, Dr. Werner Scholze-Stubenrecht. Dudenverlag Mannheim-Leipzig. - Wien-Zürich, 2005. – S.143., Eisenberg, Peter: Grundriss der deutschen Grammatik. Band 1: Das Wort. – Stuttgart: 4. Aufl. 2013. – S. 506.

Сифатлар турланиш жихатдан ҳозирги кунга қадар немис тилшунослари томонидан кўплаб муҳокамага тортиқ қилиниб келинмоқда.

Бизнинг фикримизча, сифатларнинг турланиш қонидаси қолипга тушган вариант бўлиб, олимлар фикрини кўп миқдорда тафовутга эга эмаслигини айтиш мумкин.

Немис тилида сифатлар отларнинг родини ифодалаб, улардан олдин қўлланилади: *Kluger Mann*, *Beste Charaktereigenschaft*, *Dummer Gans*), *Blinde Meldung*, *Frohes Leben*. Мазкур мисолларда сифатлар отнинг роди, артиклини аниқлаб келмоқда. Туркий тиллар қатори ўзбек тилида ҳам род категорияси мавжуд эмаслиги сабабли сифатларнинг юқоридаги каби хусусияти кузатилмайди.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги немис тилида сифатлар қуйидаги суффикслар ёрдамида ясалади:

-ig бу суффикс орқали сифатлар от ва равишдан ясалади: *Macht* – куч – *mächtig* – кучли; *Feinsinn* – жинни – *feinsinnig* – ишх (жинниларча); -lich бу қўшимча ёрдамида сифатлар феъл ва отдан ҳосил қилинган: *Herz* – юрак – *herzlich* – сидқидил; *weib* – аёл – *weiblich* – аёлларга хос (хотинчалиш); -isch ушбу қўшимча ёрдамида отдан сифат ясалади: *Hinterwalder* – одамови – *hinterwälderisch* – ёввойи; -bar ушбу суффикс орқали феъл ва отдан сифат ясалади: *Durchschauer* – зукко одам – *durchschaubar* – хушёр; -haft ёрдамида отдан сифат ясалади: *Held* – қаҳрамон – *heldenhaft* – қаҳрамонларча, *Meister* – уста – *meisterhaft* – моҳир; -sam ёрдамида феълдан, отдан сифат ясалиши мумкин. *Schweigen* – эгик – *schweigsam* – эгилувчан, *Sorge* – гамхўр – *sorgsam* – гамхўрона; -los ёрдамида отдан сифат ясалади: *Liebe* – ишқ – *liebelos* – ишқсиз, *Hilfe* – ёрдам – *hilflos* – қўмаксиз, *Geld* – пул – *geldlos* – фақир.

Баъзан оддий сифатлар бошқа сифатлар билан уюшган ҳолда қўлланилади. Масалан, баъзи сифатлар мавжуд параметрни эксплицит равишда белгилайди<sup>15</sup> (*nach der Größe ist zu groß* – бўйига кўра – узун, *nach der Farbe des Körpers ist weiß* – танасининг рангига кўра – оқ), бошқа сифатлар эса оддий конструкция ҳосил қилади (*Schwarzhaariges Mädchen* – қора сочли қиз).

*Gutherzig*-меҳрибон, *tapfer*-жасур, *feinfühlig*-фаросатли, *grob*-қўпол, *zuvorkommend*-эътиборли каби сифатлар эса инсон характериини белгилаш учун қўлланилади. Инсон характерига хос мазкур сифатлар нафақат инсонлараро муносабатлар (бошқаларга нисбатан меҳрибон, муносабати қўпол, қарияларга эътиборли ва ҳ.к.), балки бошқа ҳолатларда ҳам (ҳисоб-китобда эътиборли, кир ювишда фаросатли, тўполон қилишда жасур ва ҳ.к) намоён бўлади. Ушбу сифатлар билан қўлланган ҳамкор сўзлар сирконстантлар деб аталади<sup>16</sup>. Чунки бу сўзлар конкрет шароитни аниқлаштиришда қўлланиб, баъзан гапларда мажбурий (яъни актант) гап бўлаги вазифасига даъво қила олмайди.

Демак, аниқловчи сифатлар ва уларнинг конкретизаторлари (бошқаларга нисбатан меҳрибон, муносабати қўпол, қарияларга эътиборли), ҳол

<sup>15</sup>Schulz, D., Griesbach, H. Grammatik der deutschen Sprache, - München 1982.- S. 206.

<sup>16</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантические, прагматические и лингвокультурные аспекты. – М.: Языки русской культуры, 1996. – С. 284.

вазифасидаги равиш ёки сифатлар (*ҳисоб-китобда эътиборли, кир ювишида фаросатли, тўполон қилишида жасур*) аниқланмиш ёки феъл-кесимнинг маъносини ўзгартира олмайди.

Агар оддий сифат ўз маъносини ўзгартирса, у ҳолда унинг янги валентлик хоссаси юзага чиқади <sup>17</sup>. Ушбу янги валентлик алоҳида курилмани воқелантиради: *klarer Himmel-очиқ ҳаво. Er ist großartig.-Унинг кўнгли очиқ.* Баъзан янги валентлик сифатнинг бирламчи маъносини ўзгартириб юборади ва янги когнитив шаклни ҳосил қилади: *Reicher Mann.-Бой одам. Die Frucht ist reich an das Vitamin.-Витаминларга бой мева;* лекин: *Die reiche Frucht - Бой мева* эмас.

Кузатувлар натижасида немис тилидаги суффиксли, префиксли ва префикс-суффиксли сифатлар моделларининг куйидаги лексик семантик гуруҳ (ЛСГ)ларга бўлиниши маълум бўлди: инсонларнинг тана қисмини сифатлаш: *bärtiger Mensch, haarige Beine, beleibte Männer*, ва ҳ.к.; инсоннинг ички ҳиссёти, кечинмалари, ҳолатини ифодаловчи сифатлар: *gut gelaunter Mann, talentierter Künstler, gesittete Menschenheit* ва ҳ.к.; пайтни ифодаловчи лексемалар: *bejahrte Frau, betagter Rentner, jähriges Kind* ва ҳ.к.; инсоннинг салбий хусусиятларини ифодаловчи сифатлар: *egoistischer Mensch* ва ҳ.к.; касаллик номлари ва у билан боғлиқ ҳолатлар: *verkrebster Körper, tuberkloser Mann* ва ҳ.к.

Ўзбек тилидаги сифат ясовчи ўзак-негизларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш ва таснифлаш немис тилидагига қараганда анча мураккаб масалалардан бири ҳисобланади, чунки ўзбек тилидаги аффикс ёки префикслар ёрдамида ясалган десубстантив сифатлар хилма-хил семантикага эга, бу ҳолат эса уларни муайян лексик-семантик гуруҳларга тақсимлашда мушкуллик туғдиради. Айтиш жоизки, ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифат лексемалар немис тилидагидек муайян отлардан ясалади ва муштарак лексик-семантик гуруҳлар ҳосил қилади. Ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифат лексемаларнинг ясалишида инсоннинг ички хусусияти, ҳолати ва кечинмаларини ифодалайдиган от лексемалар фаол иштирок этади<sup>18</sup>, яъни сифат лексемалар от лексемалар билан валентликни воқелантиради: *виждонли одам, иқтидорли рассом, таъсирчан аёл* ва ҳакозо.

Таҳлил қилинган тил материаллари асосида ўзбек тилидаги аффиксли ва олд кўшимча сифатларнинг моделлари куйидаги ЛСГларга ажратилди: инсонларнинг тана қисмини сифатлаш: *соқолли киши, жунли оёқлар, барваста киши, яраланган юз, гўштли башара* ва ҳ.к.; инсоннинг ички ҳиссёти, кечинмалари, ҳолатини ифодаловчи сифатлар: *хушчақчақ инсон, иқтидорли санъаткор, қўрқмас йигит* ва ҳ.к.; инсоннинг салбий хусусиятларини ифодаловчи сифатлар: *эгоист, худбин ҳайдовчи* ва ҳ.к.; касаллик номлари ва шу билан боғлиқ ҳолатлар: *жароҳатланган тана, сил касал, кўк йўтал* ва шу кабилар.

Демак, немис ва ўзбек тилларида сифатлар ясалиши, гапдаги вазифаларига

<sup>17</sup> Степанова М.Д. Валентность в синтаксисе и в словообразовании немецкого языка. – М., 1983. – С.106.

<sup>18</sup> Пардаев З. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари. Самарқанд: 2007. – 132 б.

кўра ўзига хос хусусиятга эга. Жумладан, немис тилида сифатлар олд (префикс)лар ёрдамида ҳам ясалади. Биз бундай ҳодисани ўзбек тилидаги сифат лексемаларга ҳам хос деб биламиз.

Таъкидлаш ўринлики, деярли беш аср давомида кўпгина тилшунослар ўзбек тилидаги сифат лексемаларни олд (префикс)лар ёрдамида ясаиш хусусиятига эга эканлигини шартли равишда бегона деб ҳисоблайдилар, шунингдек, ўзбек тилидаги кўпгина префиксли сифатлар бошқа тизимли тилларидан кириб келганлигини эътироф этадилар.

Бизнингча, бундай ҳодисани ўзбек адабий тилининг йиллар давомидаги қонунийлашган мулки деб атасак ўринли бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Немис ва ўзбек тилларидаги инсон характерига хос сифат лексемаларнинг умумий тавсифи**”га қаратилган.

Немис тилида инсон характерига хос сифатларнинг маъновий гуруҳлари инсоннинг турли белги-хусусиятлари, яъни ахлоқий, интеллектуал, ижтимоий белгилари, характерларини ифодалашда фаол қўлланади<sup>19</sup>. Характер-хусусият сифатлари, одатда инсон руҳияти, характер билан боғлиқ белгиларни билдиради. Сифатлардан бир туркуми инсон, нарса-предмет ва ҳайвонларнинг характер-хусусиятини ифодалашда умумий қўлланади, бошқа бир туркуми эса фақат инсон характерини ёки нарса-предмет хоссасини ифодалашга хосланган.

Бундай сифатлар ижобий, салбий ва нейтрал ҳолатда бўлиши мумкин: а) инсоннинг ижобий характер-хусусиятига хос сифатлар: *abenteuerlustig, aufmerksam, beeindruckend* ва ҳ.к.; б) кишиларга хос салбий характер-хусусиятни билдирувчи сифатлар одатда ижобий хусусиятларни билдирувчи сифатларга антоним бўлади: *angstvoll, achtlos, böswillig, dumm, desinteressiert* ва ҳ.к.; в) характер-хусусият сифатларнинг яна шундай тури мавжудки, аниқ ва раво ижобийлик характерга эга эканлиги ёки салбийликка хослиги яққол бўртиб турмайди<sup>20</sup>. Булар нутқ ҳолатига қараб, ижобийликка ҳам, салбийликка ҳам ўтиб олиш имконига эга эканлиги билан ажралиб туради: *aufregend, feinsinnig, gefühlvoll, hyperaktiv, prinzipientreu, schlau, unbeugsam* ва ҳ. к.

Немис тилида сифат лексемаларнинг ўзига хос жиҳатлари, турли маъно нозикликларини ифодалаш учун хизмат қилиши унинг бошқа сўз туркумларига оид сўзлар билан ўзаро муносабатга киришувида аниқ кўзга ташланади. Сифатларнинг кўпроқ артикль, олмош ҳамда отлар билан бирга мослашиб келиши кузатилади<sup>21</sup>. Улар бирикиб келган отларнинг маъноларига эътибор қилинса, сифат лексемаларнинг маъно нозикликлари, окказионал семаларни ифодалаш имкониятлари тобора реаллашади: *Ich selbst bin böse, doch wenn ich schön Böses tue, will ich auch die Bösen treffen.*

Келтирилган мисолларда иштирок этган бир лексик-семантик

<sup>19</sup> Ammann, H. „Adjektiv und Eigenschaftswort“, in Hugo Moser (Hg.): Das Ringen um eine neue deutsche Grammatik. - Darmstadt, 1962. – S. 398.

<sup>20</sup> Duden Band 4. Die Grammatik Herausgegeben vom Wissenschaftlichen Rat der Dudenredaktion: Dr. Matthias Wermke, Dr. Kathrin Kunkel – Razum, Dr. Werner Scholze-Stubenrecht. Dudenverlag Mannheim-Leipzig. - Wien-Zürich, 2005. – 143. - S.

<sup>21</sup> Glushak, Vasily Kognitive Grundlagen der Adjektive im Russischen, Deutschen und Litauischen [VerfasserIn] – München, 2002/2017. - S. 123-134.

гурух(ЛСГ)ни ташкил этувчи *böse* сифат лексема инсон характерига хос салбий ва ижобий хусусиятларни ифодаламоқда. Бундан ташқари худди шу ЛСГга оид *zornig* каби маънодошни ҳам келтириш мумкин. Синонимик қаторни ташкил қилган *zornig* сифат лексемаси кенг қўламлидир. Уларнинг фаол қўлланиши кўпроқ бадий ва публицистик услубларда кузатилади.

Айтиш мумкинки, синонимик қаторни ташкил қилган: *gut-großartig, mutig-tapfer, arbeitsam-fleißig, böse-zornig, ideal-herzlich, angstlich-furchtbar* ва ҳокозолардан бирининг ўрнига иккинчисини ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди: *arbeitsame Ameise-fleißige Ameise – тиришқоқ, меҳнаткаш чумоли; böse Löwe-zornige Löwe – тажовузкор арслон, angstliche-furchtbare Hase – қўрқоқ қуён* ва ҳ.к. Кўринадики, *тиришқоқ чумоли, жаҳлдор арслон* каби бирикмалар маъносидаги услубий хатоликни юзага келтиради.

Инсон харктерига хос сифат лексемаларнинг воқеланишида метафоралашган зоонимлардан ҳам кенг фойдаланиш кузатилади: *schlaue Fuchs-айёр, blinde Kuh-аҳмоқ, treue Wolf-вафодор, Hasenfuß-номард* ва ҳ.к.

*Ich und du, blinde Kuh, und das ganze Volk macht Muh, rief er* (A. Segehrs).

Ўзбек тилида ҳам сифат категориясига хос сўзлар бирор нарса-предмет, воқеа-ҳодиса ва ҳолатнинг белгиси (ранг-туси, ҳажми, шакли, характери, вазни, қиёфаси, хулқ-атвори) ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, инсон характерига хос сифат лексемалар шулар жумласидандир: *абжир, ажойиб<sup>22</sup>, бечора, билармон* ва ҳ.к.

Аввалроқ таъкидланганидек, сифатлар отлашиш хусусиятига эга. Баъзан иш-ҳаракат белги-хусусиятини аниқлаш учун қўлланиб, равишлик вазифасини ҳам бажаради.

*Зулмкор, албатта, жазосини топади, жаҳаннам оташида ёнади. Аллоҳнинг ҳеч бир дўсти зулм ва зулмкорни севмайди* (Ҳадисдан).

Сифатлар жуда кўп фразеологик, идиоматик иборалар, мақол, маталлар таркибида қўлланади, кўчма ва кўшимча маънолар касб этади.

*Мирзакаримбой илоннинг ёгини ялаган одам: ҳамма бойлар каби айёр, муғамбир, пухта-пишиқ* (Ойбек).

Сифат туркумидаги сўзлар исм ва лақабларда ҳам фаол қўлланилади: *Пўстаккала Илко буну тушунмаяпти* (Ў. Абдурахмонов).

Бадий адабиётларда сифат лексемалар – метафора, метонимия ва турли стилистик бўёқларни беришда, экспрессив-эмоционал, модаль муносабатларни ифодалашда кўп қўлланилади.

*Бозор шайтоннинг масжиди экан, унда ҳар турли найранглар борки, яхши-ёмонни ажратишга сенинг ҳали мурғак ақлинг ёшлиқ қилади. Болам сен ҳали бу борада ёш ва гўрсан* (Т. Малик).

Кишига хос хусусиятлар унинг бирор аъзоси, гап-сўзи, ўй-нияти, ҳис-туйғуси кабиларни сифатлаш орқали ҳам берилади. Бунда сифатланмиш объекти кишига боғланган ҳолда ифодаланиши ёки алоҳида ўзи сифатланиши

---

<sup>22</sup> Шу маънодаки: Инсон характерига хос ушбу хусусият ўзбек миллий менталитетининг ажралмас мулкидир.



мумкин. *Қўли очиқ одам, очиқ кўнгилли киши, тили ширин аёл, кўнгли тўғри одам: Агар сен кўнгли тўғри одам бўлганигда, бундай галамисликка йўл қўймасмидинг* (Т. Малик).

Отлашган сифатлар кўчма, эмоционал-экспрессив маъноларида қўлланилиб, аниқловчи вазифасини ўтайди. *Заҳар одам, илон аёл, тилла бола.*

*Ҳозирча илон унинг илиқ бағрида, озгина бесаранжомлиги инобатга олинмаса роҳатда дейиши мумкин* (Т. Малик).

Сўзларнинг экспрессив-эмоционал ифодаларини кучайтириш, сўз маъноларини бўрттиришда ранг билдирувчи сифатлар, айниқса уларнинг интенсив формаларидан кенг фойдаланилади<sup>23</sup>. Улар кўпинча кучайтирувчи кўмакчилар ўрнида, уларнинг синонимик вариантлари тарзида қўлланилади: *гирт аҳмоқ, қип-қизил аҳмоқ; ашаддий ёлгончи – қип-қизил ёлгончи* ва ҳ.к.

*Паст кетма! Булар гирт пасткаш, сен уларга тенг келма!-деб бақирди Жалил* (Т. Малик).

*Қора – ёвуз, галамис, тубан* ва ҳ.к. Бу билан сифатнинг салбий маъноси ифодаланади.

*“Шеърим ҳали мусаввада – қоралама”, Мунаққид, сен уни ўқиб қоралама.*

*Қаламҳаққи учун шошиб наир эттирдим, Бизнинг ёрга пальто керак – қора лама!”* (Э. Воҳидов).

Ранг билдирувчи аслий сифат лексемалар фразеологизмлар таркибига ҳам чуқур сингиб кетган: *оқ – оқ кўнгил* ва ҳ.к.

*Эшитишимча, Миркаримов оқ кўнгил, серҳиммат, қўли очиқ, меҳмондўст, хотамтой одам эканлар, -шундай деб Зоҳид атайин ёлгон айтди* (Т. Малик).

*Ўткир, бузуқ, суюқ, очиқ, оёқланг* каби сифат лексемалар кўчма маънода киши характер хусусиятини тўғри – денотатив маънода, асл маънода эса нарсаларнинг белги хусусиятини ифодалаб, лексик омонимияни юзага келтиради.

*Сергап, енгил табиатли бўлган бу йигит ўртада бир қинғир ўйин бошлаганини фаҳмлаб, кўпам талашиб-тортишмади* (Т. Малик).

Шуниндек, *ювош, вафоли, вафодор, содиқ, ақлли, чаққон, сергак меҳрибон,* каби ижобий, *тажовузкор, ёмон, заиф, бузуқ* каби салбий оттенкали сифат лексемалар бир вақтнинг ўзида ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос характер-хусусиятларни ифодалаб кела олади:

*Ит вафо, хотин жафо* (Ўзбек халқ мақоли).

*Эй жафокар фалак не ситамлар қилдинг.*

Таъкидлаш мумкинки, инсонлар ва ҳайвонларнинг характер хусусиятини ифодаловчи синонимлар қаторини ташкил қиладиган: *зийрак-хушёр, тажовузкор-жаҳлдор, ҳуркак-қўрқоқ* каби лексемаларни инсон характери билан боғлаб бўлмайди: *ҳуркак қиз, ҳуркак бола – қўрқоқ қиз, қўрқоқ бола; тажовузкор одам – жаҳлдор одам.*

Қайд этилган синоним жуфтликлар билан ҳайвонларни характерлаш

---

<sup>23</sup> Ҳамдамова И. Ўзбек тилидаги сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг ўзбек тили изоҳли луғатида берилиши: Филол. фан. номз. дисс.... автореф. - Тошкент, 1964. – Б. 24.

лексик хатоликка йўл қўйилгандек туюлади: *зийрак ит – хушёр одам; жаҳлдор ҳайвон – тажовузкор ҳайвон.*

*Ҳайвонот оламида делфинлардек меҳрибон ҳайвон бўлмайди – Ҳайвонот оламида делфинлардек оқ кўнгил ҳайвон бўлмайди.*

Демак, сифатлар турли лисоний шакллар ҳосил қилиши натижасида мулоқот жараёнида инсон онгида турфа когнитив моделлар ясалишига замин яратади.

Тадқиқотнинг учинчи бобида **“Немис ва ўзбек тилларида сифат лексемаларнинг комплимент концептидаги когнитив-коммуникатив вазифалари, прагматик хусусиятлари”** таҳлил этилган.

Комплимент концепти тилшунослик, жумладан, когнитив грамматика, лингвомамлакатшунослик, контрастив лингвистика ва лингвомаданиятшуносликнинг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Мантиқий фаолият ҳосиласи бўлган “тушунча” когнитив ва концепт тафаккур бирлиги сифатида намоён бўлади, яъни предмет – ҳодисанинг ҳис қилиниши билан боғлиқ<sup>24</sup>.

Комплимент концепти ёки бошқача қилиб айтганда, мулозамат, хушомадгўйлик, хушмулоқот, такаллуф – немис тилида турғун ибора шаклида намоён бўлиши ҳам мумкин ва ушбу концептнинг таркибида сифат туркумига оид сўзлар фаол ишлатилади<sup>25</sup>. Оғзаки мулоқотда, масалан ўзбеклар билан ўзбеклар, немислар билан немислар ўзаро бир-бирларига мулозамат, хушомад қилсалар, турли хил тил воситалари ва шаклларида фойдаланадилар.

Мулозамат ифодасини тадқиқ этиш жараёнида маълум бўлдики, немислар деярли барча ҳолларда илгари мавжуд бўлган, қолиплаган комплимент шакллари, ўзбеклар эса мулозаматнинг барча турларини, жумладан, кўпқиррали, ноёб шакллари ижод қилган ҳолда қўллайдилар. Немислар онгида турли мулозамат шакллари қолиплагандек, уларни фақат ўша тайёр комплекс тил бирлиги сифатида ишлатиш зарурдек<sup>26</sup>. Ўзбеклар эса мулозаматни сертакаллуфлик билан, турли хил муболаға, ўхшатиш, янги ва ўзлаштирма сўзларни ишлатган ҳолда амалга оширишга ўрганганлар.

Юқорида таъкидланганидек, немис тилида комплимент таркибида сифат сўз туркуми алоҳида ўрин тутди. Тадқиқ этиш жараёнида маълум бўлдики, ўзбек тилида ҳам сифатлар мулозамат компонентининг асосий иштирокчиларидан бири экан, масалан: *Таомингиз жуда ҳам ширин (аканг айлансиндек) бўлибди. Бугун кўринишингиз жуда яхши (тўлин ойдек, чарақлаб чиққан қуёшдек). Сизни кўрдим-у, хаёлим турфа ранг капалакдек учиб кетди. Кўйлагингиз ранги чиройли экан (кўзни ўйнатади) ва ҳ.к.*

Немис тили комплиментларида асосан қуйидаги сифатлар қўлланилиши кузатилди: *gut, schön, toll, wunderschön, spitze, klasse, prima, schick.* Ушбу

<sup>24</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. -15 б.

<sup>25</sup> Stein S. Formelhafte Sprache. Untersuchungen zu ihren pragmatischen und kognitiven Funktionen im gegenwärtigen Deutsch. -Frankfurt am Main. Stein, Stephan (2004): “Formelhaftigkeit und Routine in mündlicher Kommunikation”. In: Steyer, K. (ed.): Wortverbindungen – mehr oder weniger fest. -Berlin, 1995. S. 271.

<sup>26</sup> Шу асар.

сифатлар аниқловчи, ҳол (масалан, *Er schwimmt gut*) вазифаларини бажара олади ва ундан ташқари, оддий, қиёсий ҳамда орттирма даражадаги шаклларда қўлланилади. Таъкидлаш жоизки, комплимент таркибида сифатлардан ташқари, хушомад даражасини ошириш мақсадида *sehr, äußerst, richtig, ganz, absolut, wirklich* каби равишлар ҳам қўлланилади, масалан: *Du hast heute ein schönes Kleid an; Toll hast du gespielt; Du hast aber einen wirklich tollen Anzug!; Das Essen schmeckt wunderbar/gut; Deine Arbeit ist absolut spitze.*

